O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 27-avgust • Shanba • 107-108 (27.443) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш,ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:**

**АДИЛОВ Агитай** — Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ТЕМИРОВ Ботир Даминович** — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехининг механиги

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 25 август.



АДИЛОВ Агитай



ТЕМИРОВ Ботир Даминович

# ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОН ШАҲРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 26 август куни Россия Федерацияси Татаристон Республикаси пойтахти — Қозон шаҳрига жўнаб кетди.

МДҲ ҳақида гап кетганда, унинг Ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар тарихида тутган ўрни салмоқли эканини таъкидламоқ керак. Лекин МДҲ фаолиятини бугунги кун талаби даражасида дейиш қийин. Ҳамдўстлик доирасида олиб борилган музокаралар, қабул қилинган ҳужжатларнинг амалий натижаси кам бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситаларига интервью берар экан, сўнгги вақтларда МДҲ керакми, йўқми, деган саволлар пайдо бўлаётганини таъкидлади.

Фараз қилинг, МДҲ тарқатиб юборилса, бу аъзо давлатлар келажаги учун қандай таъсир кўрсатиши мумкин, деди Ислом Каримов.

Лоақал масаланинг иқтисодий томонини олайлик. Бирорта давлат фақат ўз қобиғига ўралган ҳолда иқтисодий тараққиётга эриша олмайди. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кечаётганини унутмайлик.

Бундан ташқари, МДҲ доирасида йўлга қўйилган алоқалар, қабул қилинган қатор шартномалар бор. Бугунги давр, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳам МДҲнинг керак эканини тақозо этмоқда, деди Президентимиз. Зеро, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўзаро алоқаларни давом эттиришга ҳаракат қилмоқда. Бундай ҳаракатларни янада жонлантириш, МДҲ фаолиятини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилиш керак.

Ҳамдўстликни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эди. МДҲ саммитларида, Ўзбекистон Президенти кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодий эмас, кўпинча сиёсий ва ҳарбий масалалар устувор бўлиб келди. Шу боис қабул қилинган қарорларнинг аксарияти тўла ишламаяпти.

Бу галги саммитда асосан МДҲни ислоҳ этиш ва унинг органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, аъзо давлатлар ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, қатор халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама этиш кўзда тутилган.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Татаристон Республикаси пойтахти — Қозон шаҳрининг 1000 йиллигига бағишланган расмий тадбирларда ҳам иштирок этади.

**Ф.АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## МДҲнинг НАВБАТДАГИ САММИТИ

**ҚОЗОН (26 август. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ** хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Татаристон Республикасининг пойтахти Қозон шаҳрига келди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг саммити Ҳамдўстлик Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда асосий эътибор МДҲни ислоҳ қилиш ва унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш масаласига қаратилди. Президентлар хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари, Ҳамдўстлик мамлакатларида кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида бу масалаларнинг муҳокамаси давом этди. Шунингдек, МДҲ мамлакатларининг гуманитар ҳамкорлиги тўғрисидаги битим лойиҳаси кўриб чиқилди. Бу ҳужжат маданият, таълим, илм-фан, ахборот ва оммавий коммуникациялар, спорт, сайёҳлик ва ёшлар билан ишлаш соҳаларида алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

МДҲнинг навбатдаги саммитини Минскда ўтказишга келишиб олинди.

Музокаралардан сўнг Президент Ислом Каримов Қозон Кремлига борди, «Қул Шариф» масжидини зиёрат қилди.

Президент Ислом Каримов Қозон шаҳрининг 1000 йиллигига бағишланган расмий тантаналарда иштирок этди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»**

**Шарипова Мавжуда Адизовна** — Қизилтепа туманидаги «Мавжуда» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Култўраев Нортожи Холбоевич** — Қизириқ туманидаги «Қорағосмоқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»**

**Абатов Оринбой Калихович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директорининг ўринбосари

**Ботиров Акрам Кўкламович** — Жондор туманидаги Т.Ҳотамов номли очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг пудратчиси, Бухоро вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»**

**Сотимова Эътибор Самиевна** — Чуст туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигининг пиллачиси, Наманган вилояти

**Йўлдошева Бўтахон** — Асака туманидаги Ғулом Ёқубов номли ширкат хўжалигининг пиллачиси, Андижон вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»**

**Назаров Бахтиёр Абдурауфович** — «ЎзДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамиятининг бўлим бошлиғи

**Саримсоқов Маҳамаджон** — «Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамиятининг электролиз аппаратчиси

**Тожиев Собитжон** — «В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг чилангари

**Шишкин Борис Борисович** — Навоий кон-металлургия комбинати 5-кон бошқармасининг бош муҳандиси, Бухоро вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган курувчи»**

**Жамолов Аликул Мавлонович** — «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти «Толлимаржонқурилиш» шўъба корхонасининг участка бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»**

**Коломейцев Игорь Валентинович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учувчилар отряди командири ўринбосари

**Ражабов Нўъмон Омонович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 214-темир йўл машина станциясининг йўл созловчиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»**

**Рўзметов Гулмат Отамуродович** — «Шовот — Қуловот» ирригация тизими бошқармасининг канал гидротехниги, Хоразм вилояти

***Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан**

**Агаников Муҳиддин Насриддинович** — Наманган вилояти кўз касалликлари шифохонасининг бош врачи

**Аҳмедов Баҳодир Нормўминович** — «Шўртангазкимё» мажмуаси болалар спорт маркази бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Аҳмедова Зувайдахон** — Марғилон шаҳридаги «Янгибоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Бахиев Амин** — Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими биоэкология институтининг директори

**Жумаев Тўхтамурод Муртозаевич** — Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг директори, Бухоро вилояти

**Қоратоев Икром Тошпўлатович** — Сайҳунобод туманидаги Қ.Мирзаев номли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Матрасулов Шихназар** — Хоразм Маъмун академиясининг етакчи илмий ходими

**Менгноров Мамадамин** — Шўрчи туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

**Норов Иброҳим Норович** — «Маҳалла» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими оқсоқоллар Кенгаши аъзоси

**Ҳайитов Тоштемир Жумаевич** — Каттақўрғон туманидаги Ж.Ҳайитов номли фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Шоабдураҳимов Шоиноят** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили

**Эшпўлатов Бекпўлат** — «Нуроний» жамғармасининг Арнасой туман бўлими раиси, Жиззах вилояти

***Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидоийлик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**Абдалниязов Бахтиёр Алимович** — Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказининг Хоразм вилояти филиали раҳбари

**Алламбергенов Аминбой Муратович** — Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоқ радиотелевидение узатиш маркази антенначи-мачтачиси

**Ортиқов Мамади** — Жомбой туманидаги «Қора ариқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Жўраев Тўлаган Тошпўлатович** — «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Шўртангазкимё» мажмуасининг бош муҳандиси

**Йўлдашев Басманкул Тожиевич** — Ширин шаҳридаги «Фарҳод» гидроэлектростанциясининг чилангари, Сирдарё вилояти

(Давоми 2-, 3-бетларда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2005 йил 26 августда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлди.**

**Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.**

Тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, Сенат учинчи ялпи мажлисининг иши Қашқадарё вилоятидан сайланган бир гуруҳ сенаторларнинг Хонобод шаҳарчаси яқинидаги аэродромда жойлашган АҚШ қуролли кучлари контингентини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан мурожаатномасини кўриб чиқишдан бошланди.

Бу масала муҳокамасида сенаторлардан Н.Зайниев, С.Сафоев, Э.Воҳидов, М.Рустамбоев, А.Адилов, Ҳ.Ортиқбоева, П.Зиётов, М.Болтабоева, Б.Йўлдошев, Р.Валиева, В.Кучеров, С.Одилхўжаева, А.Султонов, Б.Убайдуллаев, В.Пак ва Ё.Фаттоев сўзга чиқдилар. Улар шуни таъкидладиларки, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентига Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ҳукуматлари томонидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ, халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида Афғонистон ҳудудида

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕНАТИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикасининг Сенати Ўзбекистон Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати номидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ АҚШга бериб турилган «Хонобод» (Қарши) аэродромидан бу мамлакатнинг фойдаланиши муддатлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Мазкур Битим, унинг 2 ва 18-моддаларида таъкидланганидек, АҚШ Ҳукуматига халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида АҚШнинг Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар ўтказиши даврида қидирув-қутқарув тадбирлари ҳамда гуманитар ёрдам кўрсатиш операциялари учун «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш имкони берилган эди. Ва бир неча бор таъкидлаб ўтилганидек, Битим амал қилишининг дастлабки муддати бир йилни ташкил этган бўлиб, у тарафлардан бири битимнинг амал қилишини тугатиш ҳақида 180 кун олдин ёзма равишда хабардор этмагунга қадар ўз кучини сақлаб қолишда давом этиб келган.

Битимнинг имзоланиши антитеррор коалиция иштирокчиси сифатида Ўзбекистон тарафининг тинчликка ва умуман Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликка бўлаётган таҳдидларга қарши курашга ва, биринчи навбатда, Ўзбекистон чегараларига, аҳолисининг хавфсизлиги ва осойишталигига бевосита таҳдид солаётган қўшни афғон юртида халқаро терроризм кучларининг базалари ва полигонларини йўқотиш ишига ўз улушини қўшишга бўлган интилишининг тақозоси эди.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати Америка контингентининг «Хонобод» аэродроми ҳудудида бўлиши тўғрисидаги Битим аввал бошданоқ АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Афғонистон ҳудудида толибон тузумига ва халқаро терроризм кучларига қарши фаол жанговар операциялар ўтказиши билан боғлиқ эканлигини ҳамда бу жанговар операциялар тугалланганидан кейин «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш ўз мазмун-моҳиятини йўқотаётганлигини таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати шуни таъкидлайдики, Ўзбекистон тарафи Битим бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўла-тўкис адо этди. Айни бир вақтда Америка тарафидан, Америка контингентининг шахсий таркиби жойлашиб олишига доир харажатларни истисно этганда, зарур ер усти ва ҳаво инфратузилмасини барпо этиш, муҳофаза қилиш, парвозларни амалга ошириш, аэродром яқинида яшовчи аҳолига ва атроф-муҳитга етказилган талафот ва зарарларнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ ҳеч қандай моддий харажатлар қилингани йўқ.

Бугунги кунда Афғонистондаги ҳақиқий вазиятнинг холисона таҳлили шундан далолат берадики, айрим минтақаларда, энг аввало Афғонистон жанубида сақланиб турган кескинлик билан бир қаторда умуман мамлакатда халқаро ҳамжамият кўмагида Афғонистонни тиклаш, ҳокимият ҳамда мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмаларни шакллантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш жараёни қадам-бақадам бормоқда.

Афғонистондаги уруш ҳамда кенг кўламдаги жанговар операциялар ўтказиш даври, АҚШда ва Европада расмий шахслар томонидан берилган баёнотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг материаллари далолат бераётганидек, умуман олганда якун топди.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, «Хонобод» аэродроми юзасидан тузилган мазкур Битимда Ўзбекистон Ҳукумати номидан зиммага олинган мажбуриятларнинг амалда бўлишини тугатиш тўғрисидаги масалани Ўзбекистон тарафи суверен давлат сифатида ўртага қўйганлиги ҳуқуқий жиҳатдан батамом асослидир.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати «Хонобод» аэродроми юзасидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимнинг амал қилишини давом эттириш учун ҳеч бир асос кўрмаяпти ва Америка контингентининг бу аэродромда бўлишини тугаллашга доир белгиланган барча тартиботларини амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди.

## ЯККАБОҒЛИКЛАРНИНГ МЕҲНАТИ ВА ТУРМУШИ

**Истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳада изчил ривожланиб, тобора обод бўлиб бораётган туманлардан бири Қашқадарё вилоятининг Яккабоғидир. Бугун туманда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида халқнинг турмуш даражаси ортиб, қишлоқлар инфратузилмаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда.**

Айни пайтда туманда 210 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ишга яроқли кишилар халқ хўжалигининг турли соҳаларида «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар инсон учун» деган қоиданинг мазмун-моҳиятини англаган ҳолда эртанги кунга, ўзларининг истиқболига ишончу умид билан меҳнат қилмоқдалар. Ғаллакорлар бу йил давлатга 21 минг тоннадан ортиқ дон топширган бўлсалар, пахтакорлар 20 минг тоннадан кўпроқ хирмон яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг залворли одимлари ҳар жабҳада ўз изини қолдирмоқда, ҳудуд қиёфасини ўзгартириб, одамлар турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

— Ўтган ўн тўрт йиллик Мустақиллик даврида туманимизда беқиёс ишлар амалга оширилди, — дейди туман ҳокими Олий Мажлис Сенати аъзоси Зафар Рўзиев. — Ҳар йили бир-иккитадан замонавий касб-ҳунар коллежлари, спорт иншоотлари, янги мактаблар, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, ҳавас қилса арзигулик турар-жойлар барпо этилмоқда. Туман марказидаги муҳташам «Бахт уйи»ни бу атрофда қиёси йўқ кошона, дейиш мумкин. Ўтган йили маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилган бўлса, бу йил қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ишга туширилади. Шу билан бирга қишлоқларимизда 4 та янги мактаб қурилиб, улар янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларини ўз бағрига олади. Эрта-индин Самоқ қишлоғидаги врачлик пункти, Эски Яккабоғ қўрғонидаги болалар спорти мажмуи биноларидаги сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилади.

(Давоми 3-бетда)



TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Муносабат

# ЖАЗАВАНИНГ СИРИ

(ПАМФЛЕТ)

Ўзбекларда бир гап бор: ҳақиқат кўзни ўяди. Майли, нима бўлса бўлсин, бор ҳақиқатни айтамиз — чидамаган қалампир тишлар. Ҳозир айрим Ғарб давлатлари ташқи сиёсатининг тарғибот-ташвиқот механизми тўлалигича Ўзбекистонга қарши ишлаб турибди. Гўё Ўш қамоқхонасида сақланаётган бир неча ўзбекнинг тақдири бутун Ғарб мамлакатларининг келажагини ёки бутун инсониятнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳал қиладигандай. Устига-устак айрим Ғарб сиёсатдонлари АМТ, ЕИ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларга босим ўтказиб, Қирғизистонда қолган ўн беш нафар ўзбекни тезроқ қутқаринглар, деб бутун дунёга жар солишяпти.

Бу ҳам етмагандек, Ғарбга тегишли қатор халқаро ташкилотлар Қирғизистондаги нодавлат идоралар ёрдамида антиқа иғвогарлик ҳаракатларини бошлаб юборишди. Яъни Андижон шаҳри ва вилоятидан Қирғизистон ҳудудига ўтган яна ким бор, бўлса қаерда яшириниб ётибди, нега ёрдам сўраб мурожаат қилмаяпти ёки нега ариза ёзиб қочқин мақомини олишга ва хорижга чиқиб кетишга интилмаяпти — ана шу масала билан астойдил шуғулланмоқда.

Яқинда «Озодлик» радиоси айрим Ғарб амалдорларини қувонтирадиган бир «хушхабар» тарқатди. Қирғизистондаги бир нодавлат ташкилот раҳбарининг радиога берган интервьюсида айтишича, Ўш вилояти ҳудудида Андижондан қочиб ўтиб яшириниб ётган яна уч нафар ўзбек топилибди. Афтидан, улар жиноят қилиб қочиб юрганлар кўринади. Бироқ иғво механизми ишга тушганида бунинг аҳамияти йўқ. Ғарб сиёсий доираларининг буюртмасига «лаббай» деб жавоб берадиган инсон ҳуқуқларининг «ҳимоячилари» андижонлик яна қайси «қочқин» елкасини қисиб эшикданми, тешикданми кириб келар экан, деб кутиб ўтиришибди. Бу борада, айниқса, БМТнинг Қочқинлар бўйича олий комиссариати бошқармасининг Ўш бюроси ходимларига қойил қолиш керак. Улар дўппи кийган ўзбекка ёрдам сўрармикан, деб термулиб, кун-тун мижжа қоқишмаяпти.

Бирорта ҳам «қочқин» ўзбекни хафа қилдириб қўймасликка қасам ичишган бу «посбонлар» Осиё ва Африкадаги ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур қилинган юз минглаб қочқинларнинг тақдирларини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмайди. Оғир жиноятлар қилиб қамалган тўрт нафар ўзбекнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳақида «қайғураётган» инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ўз қамоқхоналарида қийноққа солинаётган ироқлик, афғонистонлик ва бошқа хорижлик маҳбусларнинг аянчли ҳолатларини ҳатто кўз олдиларига ҳам келтиришмаяпти. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузиляпти, деб жаҳонга жар солаётган иғвогарлар ўз мамлакатларида ҳар куни юзлаб тинч аҳоли зўрлик ва зўравонлик қурбони бўлаётганлигини кўрабила туриб кўрмасликка олишяпти. Ўзга юртлардаги «рангли инқилоб»ларни — давлат тўнтаришларини рағбатлантираётган мунофиқлар ўзларини демократлар, деб даъво қилишдан уялмаяптилар. Инсон ҳуқуқлари, демократия, сўз эркинлиги ниқоблари остида ўзларининг ғояларини, турмуш тарзларини, ёт маънавиятини, ярамас одатларини ўзгаларга зўрлаб тиқиштираётган сохта инсонпарварлар босқинчилик йўли билан узоқ юртларда бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишдан номус қилмаяптилар. Дунёга ҳукмронлик қилиш истаги уларни ҳеч нарсадан қайтара олмаяпти. Давлатларни давлатларга, миллатларни миллатларга, динларни динларга қарши қўйишяпти. Уруштириб қўйиб ҳукмронлик қилишнинг барча қабиҳ усулларидан сурбетлик ва усталик билан фойдаланишмоқда.

Баъзан ўзимга-ўзим такрор-такрор шундай савол бераман: нега барча Ғарб давлатлари Андижон воқеаси билан боғлиқ масалада бу даражада жазавага тушиб қолди? Балки бу фитнада иштирок этганлардан бирортаси оғзидан гуллаб қўймасин ва гувоҳликка ўтиб юрмасин, деган хавотирда уларни битта ҳам қолдирмай олиб чиқиб кетиш мақсадида атайлаб жазавага зўр берилаётгандир? Эҳтимол икки қўшни мамлакат, икки қардош халқ ўртасида низо чиқариш орқали мақсадга эришиш учун шундай қилинаётгандир? Бундан ўн олти йил олдин ана шундай мақсадда фитна уруғини сочганлар доғда қолишган. Бу сафар ҳам шундай бўлади, тулкининг ишини қилаётганлар шарманда бўлишади. Ҳозирча ақлга ақл қўшиб, жаҳлга сабр бериб турайлик-чи, вақти келиб ҳаммаси ойдинлашар.

Давлатларни ва давлат арбобларини бир-бирларига қарши қўйиш, йўриғига юрмаганни яккалаш ва таъқиб қилиш, кимнидир улуғлаб, кимгадир тамға босиш, кимларнидир қароқчидек талаб, кимларгадир садақа улашиш айрим Ғарб давлатлари ташқи сиёсатининг шаклланган хусусияти. Бундай мунофиқона сиёсат ҳақиқатга ёки мантиққа эмас, манфаатга асосланган. Борди-ю, бошқа давлатлар ва халқлар ўз манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилсалар ёки бирорта ташкилотга бирлашсалар, улар буни ўзларига суъиқасд деб биладилар ва дарҳол фитна «санъатини» ишга соладилар.

Ҳақиқат кўзни ўйса ҳам яна бор гапни айтмасдан ўтолмаймиз. Айрим Ғарб давлатларида манфаатпарастлик кучли, арзимаган манфаат йўлида ҳар қандай дўст қурбон қилиб юборилади. Бир пайтлар Эдуард Шеварднадзе тоталитар тузумдан чиққан биринчи демократ, Леонид Кучма ғарбпараст демократ, Асқар Акаев Жеферсонсифат асл демократ сифатида кўкларга кўтариларди. Улар ташқи сиёсатда мустақил қадам ташлай бошлаганларидан кейин демократия «даҳолари» назаридан қолишди ва фитна қурбони бўлишди.

Яқинда «даҳолар»нинг янги бир ғояси — лойиҳаси ошкор бўлиб қолди. Яъни собиқ СССР ҳудудида демократик давлатлар коалициясини ташкил этиш ва унга Болтиқбўйи давлатларидан ташқари Украина ва Грузияни киритиш ғоясини илгари суришяпти. Демак, уларнинг наздида бошқалар нодемократик давлатлар ҳисобланади. Айтгандай, бу коалицияда иштирок этишга АҚШ билан Европа Иттифоқи ҳам таклиф этилмоқда. Мақсад аниқ: демократия «даҳолари» биринчидан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига зарба бериш, иккинчидан, МДҲ билан МОҲни тугатиш, учинчидан, Россия билан Хитойнинг таъсир кучини синдириш, тўртинчидан, собиқ иттифоқ ҳудудидаги ҳозирги мустақил давлатларда «рангли инқилоб»ларни тўлиқ амалга ошириб, ҳаммасини ўз таъсир доираларига олиб, демократик деган чиройли ном билан ниқобланган ўз ғояларини ҳамда турмуш тарзларини эркин экспорт қилиш ниятидалар.

Бир мақол бор: кўр тутганини қўймас, кар-эшитганини. Букурни гўр тузатганидек, ким ҳақ, ким ноҳақлигини вақт кўрсатади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

Фикр, мулоҳаза, таклиф

# ҚОНУННИ ДЕПУТАТЛАР ЯРАТАДИ

## ЛЕКИН БУ ЖАРАЁНДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун яратишда катта тажриба тўпланди. Шунингдек, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш пайтида сайловчиларнинг таклифлари эътиборсиз қолмаслиги керак. Имкон қадар ҳар бир таклиф муаллифига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси бу хусусда қандай қарорга келганлигини ва муҳокама натижасини маълум қилиб бориши лозим. Бу ҳам кенг омманинг фикр-мулоҳазаларини чуқурроқ ўрганишга ва уларда қонун яратувчилик жараёнида иштирок этиш иштиёқини кучайтиришга хизмат қилади.

Қонунларни қабул қилиш жараёнида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари тегишли соҳадаги вазиятни қоғозда (соҳа ходимлари тақдим этган турли маълумотлар асосида) эмас, балки амалда ўрганиб чиқиши керак. Қабул қилинажак қонун лойиҳасининг баъзи моддаларини тажриба тариқасида туман, шаҳар миқёсида ҳаётга татбиқ этиб кўрилса, фойдадан холи бўлмайди. Бу борада Қонунчилик палатаси қўмиталарининг охирги вақтда қўллаб келаётган тажрибалари — «сайёр» мажлислари тегишли ҳудудларда ўтказиб борилса, бу ҳам муаммони ўрганишга ва тўғри хулоса чиқаришга имконият яратади. Айни замонда умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам умумхалқ муҳокамаси орқали киритилиши керак, деб ўйлайман.

Қонунчилик палатаси депутатларига партия фаоллари ва экспертлари таркибидан жамоатчилик асосида ёрдамчилар белгиланса, бу ҳам қўшимча ахборот ва маълумот олиш манбаига айланиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида сайлов округларида вужудга келган муаммолардан хабардор бўлиб туришга хизмат қилар эди. Бундай жамоатчилик асосидаги ёрдамчилар фаолиятини ахборот ва бошқа махсус манбалар билан таъминлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларини тегишли партия кенгашлари ўз зиммаларига олсалар тўғри бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг депутатлар мақоми тўғрисидаги қонунларида депутатлар ўз сайловчилари олдида йилига камида бир марта ҳисобот беришлари кўзда тутилган. Афсуски, бу масала ўтган даврда тўлиқ бажарилмай келарди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бўлган. Ўйлаймизки, бугунги кунда бу муаммо ўз ечимини топади. Чунки, амалдаги қонунларда Қонунчилик палатаси депутатлари фақат қонун яратувчилик фаолияти ҳамда депутатлик ваколатларини бажариш билангина банд бўладилар. Илмий ёки педагогик машғулотлардан ташқари, бирор-бир пул тўланадиган иш билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди. Депутатларнинг фаолиятлари асосан қонун яратиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари қабул қилинган қонунларни жойларда ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда сўзсиз бажарилишига ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда ҳисса қўшмоқлари даркор. Шундагина, юқоридан қуйигача бўлган бир тизим вужудга келадики, бу қонунлар ҳар бир фуқаронинг кундалик эҳтиёжига айланиб, охир-оқибатда ҳар бир кишини фақат қонунлар асосида яшаш ва ишлашга даъват этади. Айнан шундай тизим вужудга келганда, қонун устуворлигига эришилади ҳамда ривожланган демократик давлатнинг мустаҳкам пойдевори барпо этилади.

Яна бир масалага эътиборни қаратиш керак. Иш унумли бўлиши учун партия марказий нашрлари ҳамда минтақалардаги нашрлар имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш лозим. Газеталар саҳифаларида мунтазам равишда барча даражадаги депутатлар фаолияти тўғрисида ахборот бериб борилса, депутатларимиз ОАВда фаол чиқишлар қилиб туришса, сайловчилар ўз депутатлари фаолияти, ишлари ҳақида хабардор бўлиб турар эдилар.

Фракция фаолиятини мунтазам равишда ОАВда ёритиш масаласида телевидение ва радионинг имкониятлари кенг. Партия фаоллари буни, албатта, инобатга олишлари зарур. Бу борада партия Марказий Кенгаши матбуот хизмати ташаббус кўрсатиши ва ижрочи сифатида ўртага чиқиши керак.

Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг ҳар чоракда чоп этиладиган Ахборотномаси нашр этилса, парламент фаолиятида очиқлик ва ошкоралик ривожланиши учун катта имкониятлар яратилади. Фракциянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари билан ҳамкорликда олиб борадиган ишлар кўламини ўрганиб чиқиб, ҳаётга татбиқ этилса, ижобий самара бериши муқаррар.

**Маҳмуджон ТОИРОВ,**
**сиёсатшунос**

Ислоҳот чорраҳаларида

# ИҚТИСОДИЁТДА АСОСИЙ ПОЙДЕВОР

## «ЎЗНЕФТМАҲСУЛОТ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ ЎРИНБОСАРИ ЎКТАМ КАРИМОВ БИЛАН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ ҲАҚИДА СУҲБАТ

**— Ўктам Деҳқонбоевич, Мустақиллик йилларида ёнилғи-энергетика соҳасида, хусусан, нефть маҳсулотлари таъминотини такомиллаштириш борасида қандай ишлар олиб борилди ва улар нечоғли самара берди?**

— Мамлакатимиз истиқлолининг илк кунлариданоқ, иқтисодий мустақилликка, жумладан, ёнилғи-энергетика мустақиллигига катта эътибор берилди. Бу вазифани амалга ошириш мақсадида даставвал нефть хомашёсини қазиб чиқариб, қайта ишлашни кўпайтириш чоралари амалга оширилди. Янги конлар излаб топилиб, уларда хомашё қазиб чиқариш йўлга қўйилди. Мавжуд Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қайта таъмирланди, янги, замонавий Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди.

Иқтисодиётнинг асосий пойдеворларидан бўлган нефть ва газ соҳасини ривожлантириш, ёнилғи-энергетика соҳасида амалга оширилган чуқур ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимиз 1995 йилга келиб, бу соҳада тўла мустақилликка эришди. Мамлакатимизга четдан ёнилғи келтириш, яъни ёнилғи қарамлиги барҳам топди. Республикамизда қазиб олиниб, қайта ишланаётган нефть маҳсулотлари халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмай, бу маҳсулотларни четга сотиш имкониятини ҳам бера бошлади.

Республикамизда мавжуд автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларининг аксарияти хусусийлаштирилди, шунингдек, кўплаб замонавий технология талабларига жавоб берадиган шинам ва чиройли АЁҚШлар қурилди. Шохобчаларда турли хизматлар, қулайликлар жорий этилди.

Нефть маҳсулотини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни республика халқ хўжалиги ҳамда аҳолига етказиб беришдек ўта масъулиятли вазифа «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси зиммасига юклатилди. Ҳозир компания тизимида иккита нефтни қайта ишлаш заводи, 25 та нефть базаси ва уларнинг 32 та филиали ишлаб турибди. Жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида бензин ишлаб чиқариш топшириғи муваффақиятли бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,5 фоизни ташкил этди.

**— Бизда ва қўшни республикаларда нефть маҳсулотлари нархлари орасидаги тафовутни қандай изоҳлайсиз?**

— Кейинги пайтларда жаҳон бозорида нефть ва нефть маҳсулотлари нархлари кескин кўтарилиб бораётган бир шароитда бензин ҳамда дизель ёнилғисини Тожикистон ва Қирғизистон республикалари томонидан импорт қилиниши ҳоллари жиддий камайганлиги кузатилмоқда. Оқибатда қўшни мамлакатларда бу маҳсулотларга бўлган талаб ортиб, нархлари кескин кўтарилиб кетди. Ўзбекистоннинг ички бозорида ҳозир 1 литр А-76 русумли автомобиль бензини 330 сўм бўлгани ҳолда, худди шундай бензин нархи Тожикистон ва Қирғизистонда 450-600 сўмни ташкил этмоқда.

Нархлар ўртасидаги бундай тафовутларга айрим нопок шахслар ва ёнилғи қуйиш шохобчалари эгалари ёнилғини контрабанда йўли орқали қўшни давлат фуқароларига сотиб юборишлари сабаб бўлмоқда...

**— Иложи бўлса, шу борадаги аниқроқ мисоллар ва уларга қарши кўрилаётган чоралар ҳақида ҳам...**

— Республика Божхона қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, 2005 йилнинг 1 январидан 20 август кунига қадар божхона ходимлари томонидан нефть маҳсулотларини божхона чегарасидан олиб ўтишнинг 841 та ҳолати аниқланган бўлиб, 255,5 тоннадан зиёд нефть маҳсулотлари тўхтатиб қолинган. Ўтган 2004 йилнинг шу даврида эса 443 та ҳолатда 114,6 тонна нефть маҳсулотлари ушлаб қолинган.

Таассуфки, бундай қонунбузарликлар сўнгги пайтларда тобора кўпаймоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида Андижон (42 675 кг., 112 ҳолат), Фарғона (33 405 кг., 156 ҳолат) ва Сурхондарё (103342 кг., 265 ҳолат) вилоятларида нефть маҳсулотларини четга олиб чиқиб кетиш ҳолатлари олди олинди. Шунингдек, Бекобод туманида фуқаро У.Давлатов айланма йўл орқали 1 миллион 200 минг сўмлик 6000 литр бензин ёнилғисини Тожикистон Республикасига ноқонуний йўл билан олиб кетаётганида Тошкент вилоят божхона бошқармасининг «Ойбек» божхона маскани ходимлари томонидан қўлга олинган. 2005 йил 19 июнь куни фуқаро А.Абдуалиев ҳам шундай йўл билан 750 минг сўмлик 3 минг литр бензин ёнилғисини Тожикистон ҳудудига олиб чиқиб кетаётганда вилоят божхона бошқармасининг «Фарҳод» божхона бўлими ходимлари томонидан ушлаб қолинган.

Бундай ҳолатлар, табиийки, ички таъминотга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмаётир, албатта. Республикамизнинг айрим ҳудудларида ёнилғи танқислиги сезилиб, аҳолининг ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг июнь-август ойларида чегарадош вилоятларда хусусий ёнилғи қуйиш шахобчаларига етказиб берилаётган бензин миқдори шу йилнинг апрель, май ойларига нисбатан икки бараваргача ошиб кетди. Жумладан, Фарғона вилояти бўйича январь-март ойларида ўртача бир кунда 300 тонна автомобиль бензини сотилган бўлса, айни кунда бу кўрсаткич 550-600 тоннани ташкил этмоқда. Бу жараёнлар Андижон, Сирдарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида ҳам кузатилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий йилнинг май-август ойларида автобензин истеъмоли 2003-2004 йилларнинг шу даврига нисбатан 26 фоизга кўпайган...

**— Ҳозир кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда ва айниқса, фермер жамоаларида дизель ёнилғисига эҳтиёж катта... унинг таъминоти қандай?**

— Ўринли савол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»**ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳамда улар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантиришга йўналтирилган қатор қарорлари, (жумладан, 2004 йилнинг 24 декабрида қабул қилинган 607-сонли қарори) аграр соҳада ислоҳотларни яна ҳам жадаллаштирди. Масалан, тугатилган паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналаридан бўшаган нефть омборлари негизида компания тизимидаги нефть базалари томонидан замонавий талабларга мос фермерларга ёнилғи тарқатиш шахобчалари (ФЁТШлар) ташкил этилди. Республикамиз бўйича жорий йилда шундай ФЁТШлардан 321 таси барпо этилди ва уларнинг умумий сони 858 тага етказилди.

Бугунги кунда ФЁТШлар орқали республика фермер хўжаликлари имтиёзли нархларда, дизел ёнилғиси билан таъминланиб келинмоқда. Шу билан бирга, долзарб агротехник мавсумлар даврида ёнилғи маҳсулотлари бевосита даланинг ўзига олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга жами 439311 тонна дизел ёнилғиси етказиб берилди. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, дизель ёнилғисининг жаҳон бозоридаги бир тоннаси нархи 578 доллардан юқори бўлиб турган бир пайтда, бизда деҳқон фермер хўжаликларига у икки баравардан ортиқ арзон нархда берилмоқда.

Ана шундай имтиёзлар ва қулайликлар яратилишига қарамасдан, айрим қўли эгри шахслар томонидан фермерлар, ширкат хўжаликларига етказиб берилган нефть маҳсулотларини мақсадсиз сарфлаш, жумладан, ноқонуний равишда четга сотиб юборилиши ҳоллари ҳам учраб турибди афсус...

**— Бу ҳол яқинлашиб келаётган пахта йиғим-терими ва кузги агротехник тадбирлар мавсумида истеъмолчиларни бир маромда ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашга хавф туғдирмайдими?**

— Туғдиради. Айни шу маҳсулотлар таъминотида узилишларга олиб келиши ва уларнинг сунъий танқислигини вужудга келтиришга сабаб бўлиши турган гап. Шу боис, бундай иллатларга қарши вақтида кескин чоралар кўрилмаса, бизда ҳам худди қўшни давлатлардаги сингари соҳада тақчиллик юзага келиши мумкин. Шундай экан, бунга қарши курашишда фақат бизнинг компания ва бошқа давлат идоралари ходимларининг саъй-ҳаракатлари кифоя қилмайди.

Зеро, бугунги кунда ҳар бир фуқаро — хоҳ у оддий ишчи бўлсин, хоҳ у мансабдор шахс — ёнилғи-мойлаш материалларни тежаб, ўз ўрнида ишлатиш лозимлигини чуқур тушуниб етишлари лозим. Бизда нефть маҳсулотларининг нархи аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ишлаб чиқарувчиларни қувватлаш мақсадида қўшни республикалардагидан анча арзон қилиб белгиланганлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Ҳолбуки, бутун дунёда ёнилғи нархи — нефтни қазиб олишдан тортиб, то уни қайта ишлашгача бўлган жараёнлардаги тўла нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шунинг учун ҳам уларда боя айтганимдек, нефть маҳсулотлари нархи биздагидан анча қимматроқ. Шу боиски, умумхалқ бойлиги бўлмиш — нефть маҳсулотларини ноқонуний йўл билан четга чиқариб юборилишига йўл қўймаслигимиз ва бу йўлда бутун жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғимиз зарур, деб ўйлайман.

**Тўғри, ҳозир компаниямиз раҳбарияти жойлардаги ҳокимликлар ва масъул идоралар ёрдамида бундай ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Лекин биз бу ишда кенг жамоатчилик оммасини ҳам фаол ҳамкорлик қилишга чақирган бўлардик...**

**Суҳбатдош:**
**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Бугун қадимий Бухоронинг қайси туманида бўлманг, албатта шинам спорт иншоотларига кўзингиз тушади. Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами арафасида Жондор туманидаги

# «БЎСТОН»ДА СПОРТ МАЖМУИ

чўлга туташиб кетган «Бўстон» қишлоғида шинам ва кўркам спорт иншооти қад ростлади. Бунда Амир Темур ширкат хўжалиги ҳомийликни ўз зиммасига олиб, 100 миллион сўм маблағ сарф этди.

Қишлоқ ёшлари бугун мазкур спорт мажмуасида енгил атлетика, волейбол, футбол билан мунтазам шуғулланяптилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

# БОШ ҲИСОБЧИЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги чуқур ислоҳотлар шароитида, бозор муносабатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб келди. Сиёсий партиялар ҳам буни ўз фаолиятларида ҳисобга олишлари талаб этилади. Зеро, сиёсий партия фаолиятини, айниқса, сайловолди кампаниялари даврида моддий база ва молиявий маблағларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўтиш даврининг мураккаб иқтисодий шароитларида бу масалани қандай қилиб ҳал этиш мумкин? Яқиндан буён сиёсий партиялар учун давлат бюджетидан ажратилаётган молиявий маблағларни қандай қилиб тўғри ишлатиш лозим? Партия ташкилотлари иқтисодий ҳаётини қандай қилиб самаралироқ юритса бўлади? Партия маҳаллий ташкилотлари бу ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга тез-тез дуч келишади ва баъзида тўғри жавоб топишолмайди. Шу боис, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари бош ҳисобчилари ўқувини ташкил этишга қарор қилди.

2005 йилнинг 24 августида партия Марказий Кенгашида «Сиёсий партияларни молиялаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва унинг Ўзбекистон ХДП фаолиятида амалга оширилиши» мавзуида ўқув семинари ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП МК раисининг ўринбосари И.Кочмарик, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлимининг бош консультанти А.Иброҳимов, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқармасининг бош иқтисодчиси Ҳ.Тўхсанов, мазкур вазирлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Г.Орипова, Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатаси нозири У.Ашуров, партия Марказий Кенгаши бош ҳисобчиси В.Селиванова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Шундан сўнг чиқишлар мавзуси юзасидан баҳс-мунозаралар, мавжуд муаммолар муҳокамаси бўлиб ўтди, саволларга жавоблар берилди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинарда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг раҳбарлари ҳам қатнашдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

Партиямиз фаоллари



# ОДАМЛАР ДАРДИНИ

## ДЕБ БИЛСАК, УЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАР ЕЧИМИ УЧУН АСТОЙДИЛ

Таҳририят топшириғига кўра, ЎзХДП фаолларидан бирининг ишлари ҳақида ёзиш мақсадида ХДП вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқовга учрашдик.

— Узоққа бормай кенгашимиз тафтиш комиссияси раиси Аъзам Аҳмадалиев фаолияти ҳақида ёзмайсизларми? — деди у. — Бу фидойи инсон партия ташкил топгандан буён сафимизда. Бизга жуда катта ёрдами тегяпти. Тажрибали раҳбар, ишхонасида, маҳалласида обрўйи баланд...

Аъзам акани ахтариб идорасига бордик. Қўл остидаги ходимлари, ўзи билан суҳбатларда мен давримизнинг ажойиб инсонларидан бирини кашф этдим.

— Бундан роппа-роса қирқ йил муқаддам, 1965 йилнинг баҳорида мен — ёш мутахассисни отам ўша пайтдаги Марғилон шаҳар молия бўлими мудири Боқижон Зоҳидов ҳузурига олиб кирдилар. Боқижон ака тажрибали молиячи, иш кўзини яхши билган раҳбар эди. Унинг маслаҳати билан суғурта бўлимига оддий агент бўлиб ишга кирдим. Мана, орадан бир йигит умри ўтди — ҳамон шу соҳадаман, — дейди Фарғона вилоят «Ўзагросуғурта» ДАСК дирекцияси бошлиғи Аъзам Аҳмадалиев.

Ўрта бўйли, истараси иссиқ, серҳаракат, лекин ҳар бир ишни «етти ўлчаб бир кесиш» қабилида мулоҳаза билан бажарадиган бу инсонни Фарғонада етук мутахассис, ташаббускор, омилкор раҳбар сифатида яхши билишади.

— Устозни суғурта соҳасининг пирларидан десам хато қилмайман, — дейди Данғара туман агросуғурта бўлими бошлиғи Олимжон Юсупов, — Мустақиллик йиллари вилоят суғурта идоралари иши шу киши раҳбарлигида ислоҳ этилди, ривожланди. Илгари вилоятда суғурта соҳасига унча ҳам эътибор берилавермас, шароитларимиз ўртамиёна, кўплаб шаҳар, туман суғурта идоралари ночор, шарт-шароитлари носоз биноларда жойлашган эди. Мана ҳозир шаҳар ва туманлардаги суғурта идораларини бир кўринг... Шинам, кўркам бинолар... Вилоят марказида эса агросуғуртачиларнинг ҳашаматли уйи қад ростлади. Айниқса, Аъзам аканинг ташаббуси билан Шоҳимардонда бунёд этилган «Суғуртачи» дам олиш маскани соҳа мутахассисларининг севимли оромгоҳига айланди.

Биз у кишидан нафақат иш ўрганамиз, балки одамийлик, инсонлар қалбига йўл топиш, уларнинг ташвишларига шерик, дардларига малҳам бўлиш каби фазилатларни ўзимизга сингдиришга ҳаракат қиламиз.

Суғурта ўзига хос, бир қатор нозик жиҳатлари бор соҳа. Ахир, «бекордан бекорга бу ташкилотга пул ўтказиб ётибмиз, фойдаси борми-йўқми...» қабилида калта ўйлайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда наинки корхона, ташкилотлар, ҳатто инсон ҳаётини ҳам суғуртасиз тасаввур этиб бўлмайди. Республикамиз мустақилликка эришиб, бозор иқтисодиёти шаклланаётган бир даврда суғурта алоҳида аҳамият касб эта бошлади. «Даланинг томи йўқ, дўл-у жаладан тўсгани» дейдилар. Суғурта эса қайси бир маънода бўлажак ҳосилнинг кафолати. Худо кўрсатмасин, тасаввур қилинг даладаги экинини сел олиб кетган, боғини дўл урган деҳқон ёки фермер ҳолини... Агар бошига катта ташвиш тушган ўша бечора суғурта пулини ололмаса, қай аҳволга тушади? Қишлоқ хўжалигида суғуртанинг заруратини ўша фермер ёки деҳқонга тушунтириш, бозор иқтисодиёти шароитида суғуртанинг аҳамиятини ташвиқ қилиш суғуртачининг вазифаси. Вилоят суғуртачилари бу борада ўз масъулиятларини яхши идрок этиб ишлаганликлари натижасида Фарғона бу соҳада республикада пешқадамлардан бири ҳисобланади.

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейда республика Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг қўшма ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Таълим муассасаларида фуқаро муҳофазаси йўналиши бўйича олиб борилаётган ишлар аҳволи ва уларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан ФВВ аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи, майор Б.Шарипов, Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Н.Рўзиқулов, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари А.Ғуломхўжаевларнинг маърузаси тингланди. Шундан сўнг кўрилаётган масала юзасидан музокарага киришилди.

Сўзга чиққанлар болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув даргоҳларида фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича ўқитиш ишларини такомиллаштириш, ўқув адабиётларини яратиш, фуқаро муҳофазаси синф хоналарини кўргазмали қуроллар билан таъминлаш ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш режасини ишлаб чиқиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, анжуман доирасида ФВВ ҳайъат йиғилиши ҳам бўлди. Унда Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш, турли кўринишдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг шу йил 26 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва фуқаро муҳофазаси тизимига кирувчи ташкилотлар томонидан ижро этилиши ҳақида»ги қарори талабларини бажариш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга доир масала ҳам кўриб чиқилди.

**ФВВ матбуот хизмати**

## КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНМАДИ, БИРОҚ...



Ироқ парламенти мамлакат янги Конституцияси лойиҳасини пайшанба куни маъқулламади. Бироқ кеча бу масала яна парламент кун тартибига қўйилди. Бу ҳақда парламент спикери Ҳожим ал-Ҳассани Reuters ахборот агентлигига маълум қилди. У Конституция лойиҳаси шу кунларда маъқулланишига умид билдирмоқда.

Конституция лойиҳасидаги «федерализм» атамаси ва Саддам Ҳусайн ҳукмронлиги давридаги Баас партияси меросидан воз кечиш масаласи муҳокама пайтида асосий баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

## МАМЛАКАТДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРМОҚЧИ

Белорусия давлат хавфсизлиги хизмати Минскда қўлга олинган Грузиянинг «Кмара» ёшлар ташкилоти аъзолари республикадаги вазиятни издан чиқариш мақсадида мамлакатга ташриф буюрганини ва улар Белорусиядан чиқариб юборилишини маълум қилди.

Минск шаҳри ва Минск вилояти давлат хавфсизлиги қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Владимир Свиридов берган манбаларга асосланиб «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатишича, грузиялик бу ёшлар мамлакатнинг ички ишларига аралашганликда айбланади. «Улар республикага келгач, мамлакатдаги «Зубр», «Молодой фронт», «Лимон» сингари рўйхатдан ўтмаган радикал ёшлар ташкилотлари вакиллари билан алоқада бўлганлар ва Грузияда амалга оширилган «бахмал инқилоб» «йўриқномалари» билан ўз ҳаммаслакларини таништирган, оммавий тартибсизликлар келтириб чиқариш, давлат тузуми органларига бўйсунмаслик «сир-асрорлари» бўйича маслаҳатлар беришган» — деди ДХҚ вакили.

Эслатиб ўтамиз: чоршанба куни Грузиянинг «Кмара» ёшлар ташкилотининг икки вакили — Георгий Канделаки ва Лука Цуладзелар Минскда қўлга олинган.

## ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛАРНИ АЙБЛАМОҚДА

Ингушетия бош вазири Иброҳим Малсаговга уюштирилган суиқасд ортида Россия жанубида фаолият кўрсатаётган халқаро террорчилик ташкилоти турибди, дея «Россия» телеканали орқали баёнот берди бош прокурор ўринбосари Николай Шепел. Республика ички ишлар вазири вазифасини бажарувчи Беслан Ҳамхоевнинг айтишича, ушбу суиқасд республикада жангариларга қарши фаолият кучайганлиги билан боғлиқ.

Эслатиб ўтамиз: пайшанба кундузи Назрани шаҳридаги Ғалаба кўчасида иккита портлаш содир этилган. Бу пайтда бош вазир автомобилда ўтаётган эди.

Малсагов ва унинг икки тан қўриқчиси жароҳат олишди ва шифохонага ётқизилди. Бир қўриқчи эса портлаш жойида ҳалок бўлди.

Бош прокурор ўринбосарининг гапларига қараганда, бош вазирга уюштирилган суиқасд воқеаси билан 15 — 22 август кунлари содир этилган терактлар орасида боғлиқлик бор. Негаки, барча портлаш мосламалари айнан бир-бирига ўхшаш.

Ҳозир ушбу иш юзасидан бешта модда бўйича — «давлат арбоби ҳаётига қасд қилгани», «қотиллик», «террор», «ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими ҳаётига қасд қилгани» ҳамда «ноқонуний қурол ва аслаҳа сақлагани» учун жиноят иши очилган.

# XORIJDA

## «ҚОРА РЎЙХАТ» ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Франция маъмурияти ҳаво хавфсизлиги қоидаларини бузаётган мамлакатлар ва авиакомпанияларнинг «қора рўйхати»ни эълон қилмоқчи. Бу ҳақда Францияда чоп этиладиган Le Monde газетаси мамлакат транспорт вазири Доминик Пербен берган маълумотларга асосланиб хабар тарқатди.

Франция аэропортларига қўниши тақиқланган хорижий авиакомпаниялар ва давлатлар ушбу «қора рўйхат»дан ўрин олади. Мазкур рўйхат Интернетга ҳам киритилади.



Маълумки, кейинги икки ҳафта ичида Перуда, Венесуэлада ва Афинада йирик авиаҳалокатлар юз берди. Натижада 320 киши ҳаётдан кўз юмди. Худди шу омил французларни ҳушёрроқ бўлишга ундаган бўлса ажаб эмас.

## ЖОЙ НОМЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛАДИ

Фаластин маъмурияти Исроил армияси ва полицияси томонидан Ғазо минтақасидан яқинда кўчириб олиб чиқиб кетилган яҳудий оилаларнинг турар-жойлари номларини ўзгартиришни режалаб турибди. Масалан, Фаластин Мухториятининг собиқ етакчиси, марҳум Ёсир Арафотнинг ёки бошқа бирор кишининг номини бериш мумкин. Бу ҳақда Фаластиннинг ер масалалари бўйича раҳбари Фрейх Абу Меддейн журналистларга тушунтириш берди.

Турар-жойлар номларини



ўзгартириш шу кундаги долзарб масала эмас, лекин кўриб чиқилиши лозим бўлган вазифадир, деди у.

Ҳозир яҳудийлардан бўшатилган манзиллардаги уй-жойлар келишувга кўра бузиб ташланмоқда.

## РОМАН ҚАҲРАМОНИГА ИСМИНГИЗ ҚЎЙИЛИШИ МУМКИН, АГАРКИ...

Ҳа, ишонаверинг, энди ёзилажак романларнинг қаҳрамонлари сизнинг исмингиз билан аталиши мумкин, агарки кимошди савдосида ютиб чиқсангиз.

Гап шундаки, таниқли ёзувчилар Стивен Кинг, Жон Грише ёки Лемони Сникеттлар келгусида ёзилажак романларининг персонажларига хоҳловчиларнинг исмларини қўйиши мумкин. Бунинг учун Интернетда яқинда ташкил этиладиган махсус кимошди савдосида ким кўп пул тикса, ўша кишининг исми қўйилади.

Хўш, аукциондан тушган бу маблағ нима қилинади, деган савол туғилиши турган гап. Бу пулларни ёзувчилар хайрия тадбирларига сарфлашмоқчи.

## ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИЛАР КАМ

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Ироққа нисбатан юритаётган сиёсатини қўллаб-қувватловчилар жуда камайиб кетди, дея хабар беради АР ахборот агентлиги.

Яқинда ўтказилган сўров натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 38 фоизи Жорж Бушнинг Ироққа нисбатан сиёсатини қўллаб-қувватлаган бўлса, 59 фоизи бундай сиёсат билан чиқиша олмаслигини билдирган.

Бушнинг рейтинг даражаси масаласида шуни айтиш мумкинки, унинг Оқ уй раҳбарлигидаги фаолиятини 42 фоиз америкалик қўллаб-қувватласа, 55 фоиз аҳоли унинг фаолиятидан норозилигини билдирган. Сўралганларнинг ярмидан кўпи Президент юритаётган ташқи сиёсатдан ва терроризмга қарши олиб бораётган курашидан қониқмаётганини айтди. 60 фоиз иштирокчи эса АҚШнинг ички сиёсати «ишончсиз йўналиш» томон илгарилаб бораётганини баён этган.

Сўров АР ахборот агентлиги буюртмасига кўра, «Ипсос» халқаро социологик хизмат томонидан шу йил 1 августдан 3 августгача ўтказилди. Унда 1000 нафар америкалик иштирок этди.

## ИСПАН ТИЛИ МАЖБУРИЙ ЎҚИТИЛАДИ

Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Силва яқинда имзо чеккан фармойишга кўра, эндиликда Бразилиядаги барча давлат ва хусусий мактабларда испан тилини ўқитиш мажбурийдир.

Мазкур масала бўйича ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси Бразилия парламенти томонидан 12 йилдан бери муҳокама этиб келинади ва шунча йил мобайнида бир неча марта ўзгартиришлар киритилди.

Шу пайтгача Бразилия мактабларида бирор-бир чет тилини мажбурий ўрганиш фақат инглиз тилинигина назарда тутарди. Эндиликда эса испан тили ҳам Бразилияда инглиз тили даражасига чиқиб олди.

Маълумки, кейинги пайтларда Жанубий Америка умумий бозори ҳамда Анд ҳамдўстлиги доирасидаги савдо-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг ривожланиши натижасида Бразилияда испан тили муомаласи кенгайиб бормоқда.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёзишларича, эндиликда испан тили ўқитувчиларига эҳтиёж ортади, яъни 22 мингдан 24 минггача ўқитувчи керак бўлади.

**Интер-спорт**

## БОШ ВАЗИР ШЕВЧЕНКОГА ТУТИНГАН ОТА БЎЛМОҚЧИ



Италия бош вазири Сильвио Берлускони айни пайтда мамлакатнинг «Милан» футбол клуби президенти саналади. У яқинда украиналик футболчи Андрей Шевченконинг «Милан»да кўрсатаётган ажойиб ўйинлари учунми, унга тутинган ота бўлмоқчи эканлигини маълум қилди. Чўқинтириш маросими 29 сентябрь, яъни Андрей Шевченко 29 ёшга тўлган куни ўтказилади.

Қизиғи шундаки, ҳужумчининг ўғли Жордан ҳам ўтган йилнинг 29 октябрида дунёга келган эди. Бош вазир Шевченко қолаверса, «Милан»да тўп сураётган ҳар бир футболчи катта спортдаги ҳаёти охиригача шу жамоада қолади, деб таъкидлади. Шундай қилиб, Италия ҳукумати раҳбари Шевченконинг «Челси» клубига сотилармиш, деган миш-мишларга нуқта қўйди. Умуман олганда Украина терма жамоасининг футболчиси ўтган йилнинг 14 июль куни ҳамма ҳавас қиладиган куёвлардан бирига айланганди. Ўшанда у америкалик машҳур фотомодель Кристин Пазик билан никоҳдан ўтган. Ҳозир эса келин-куёвларнинг суратлари нуфузли журналларнинг биринчи саҳифасини безаб, Шевченкони Европа янада машҳур қилмоқда.

## МУХБИР БОР ГАПНИ СУДДА АЙТМОҚЧИ



Латвиянинг «Sporta Avize» ҳафтаномаси мухбири Асколдс Улдрикис Латвия терма жамоаси сардори Виталий Астафьевдан олган интервьюси тўғри эканлигини исботламоқчи.

Гап шундаки, суҳбат чоп этилгач, турли гап-сўзлар бўлди. Гўёки, мухбир диктафонга ёзилган овоздан фойдаланишда далилларни бузган эмиш. Футболчининг сўзларига қараганда, жаҳон чемпионати саралаш учрашуви чоғида, Ригада 17 август куни Россия терма жамоаси билан Латвия футболчилари учрашуви олдидан меҳмонлар мезбон футболчиларга ютқазиб берсаларинг, катта пул берамиз, дейишган экан... «Буни Россия томонининг сотиб олиш учун уриниши, деб тушунаман, — дейди Астафьев. — Қизиғи шундаки, пулни Латвия футбол федерацияси раҳбарлари ва алоҳида ўйинчиларга ҳам таклиф қилишди». Бу гаплардан хабар топган Россия футбол уюшмаси президенти Виталий Мутко ярим ҳимоячи Астафьевнинг гаплари газетада бузиб ёзилган, деган фикрни айтган. Мухбир эса ҳеч қандай хатоликка йўл қўйилмагани, фақат русча ёзилган сўзлар латиш тилига таржима қилиниб, кейинчалик яна русчага ўгирилган демоқда. Нима бўлганда ҳам мухбир бор гапни судда айтмоқчи.

**ЎзХДП янгиликлари**

## ҚИСҚА САТРЛАР

**ХДП Фарғона вилоят кенгаши** вилоят ҳокимлиги ва «Меҳр нури» нотижорат хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Қўқон, Қувасой, Фарғона шаҳарларида «Маҳалла оиласи» деб номланган тадбир ўтказди. Унда 100 ёшдан ошган отахон ва онахонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, бир пиёла чой устида суҳбат қурилди. Тадбир сўнггида нуронийларга совға-саломлар улашилди.

**Қашқадарё вилоят кенгаши** Сайидо Насафий номидаги вилоят кутубхонасида энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 14 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик — энг олий неъмат» мавзуида давра суҳбати уюштирди. Унда партия фаоллари, ХДПга хайрихоҳлар иштирок этдилар. Давра суҳбати қатнашчилари мустақиллик қудратли куч эканлигини, шу боис, ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини қайта-қайта таъкидладилар.

**Хонқа туман кенгаши** ташаббуси билан 37-умумтаълим мактабида «Устозлар ва шогирдлар» мавзуида учрашув ўтказилди. Ҳаяжонга тўла мулоқотда мактабнинг собиқ битирувчилари устозлари билан дийдорлашдилар.

**Нукус туман кенгашида** фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши аъзолари, ҳудудий, бошланғич партия ташкилотлари раислари, шунингдек, ХДПдан туман Кенгашига сайланган депутатлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишда Ўзбекистон ХДПнинг янги Дастури ва партиянинг жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш бўйича вазифалари, 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Худди шундай йиғилишлар Ўзбекистон ХДП **Шуманай, Чимбой, Қўнғирот, Хўжаобод, Тўрткўл, Амударё, Денов, Сайхунобод, Гулистон, Оқолтин, Сирғали туман ва Андижон** шаҳар кенгашларида ҳам бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# ЎЗИМИЗ ДАРДИМИЗ

## КУРАШСАККИНА ХАЛҚ БИЗГА ИШОНАДИ, — ДЕЙДИ АЪЗАМ АҲМАДАЛИЕВ

Бу ерда қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликларини суғурталаш тўлиқ, талаб даражасида амалга оширилган. Кейинги ўн тўрт йил давомида вилоят агросуғурта дирекцияси бирор йил ҳам белгиланган режа ва мажбуриятларини бажармасдан қолмаган. Қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон-фермер хўжаликларига табиий офат, бахтсиз ҳодисалар туфайли етказилган зарарлар бўйича суғурта товонлари ўз вақтида тўланмоқда. Масалан, ўтган йили содир бўлган табиий офатлар натижасида етказилган зарарлар бўйича вилоятнинг барча турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига 274 миллион 83 минг сўмликдан ортиқ суғурта товонлари тўланди.

Яна бир масалани алоҳида таъкидлаш лозим. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бериладиган имтиёзли кредит маблағларининг қайтарилишини суғурталаш бўйича фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилган эди. Турли сабабларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан қопланмаган 106 миллион 158 минг сўмдан ортиқ суғурта товонларини суғуртачилар тижорат банкларига тўлаб беришди. Натижада, Қува туманидаги «Миркомил», «Водий тўлқинлари», Ўзбекистон туманидаги «Ҳамкорбўстон» ва бошқа ўнлаб фермер хўжаликлари қийин вазиятдан чиқиб олдилар. 2003 йили қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларини суғурта хизмати билан қамраб олиш, экинлар ҳолати юзасидан мониторинглар ўтказиш борасидаги фарғоналик суғуртачилар тажрибаларини ўрганиб, оммалаштириш бўйича республика семинари ўтказилгани бежиз эмас.

— Лекин, жаҳон суғуртачилиги тажрибасидан маълумки, суғурта ташкилотлари кўзини бўяб, даромад орттиришга интилиш ҳам ондасонда учраб туради. Шу боис, вилоятдаги суғурта ходимлари ўзларига беркитилган хўжаликлардаги экинлар парвариши, агротехника тадбирларига қатъий амал қилишини кузатиб, тегишли мониторинг ўтказиб борадилар. Агар фемер ёки деҳқон ерни экинга тайёрлаш, экин парвариши жараёнларида қўпол хатоларга йўл қўйган бўлса, йил якунида унга суғурта товони тўлашда шу камчиликлар ҳисобга олинади. Бунда ўша деҳқон ёки фермерга унинг даласидаги баҳор, ёз, куз ойларидаги ҳолат олинган суратларни ҳам тақдим қиламиз... — дейди Аъзам Камолович.

Аъзам ака жамоат ишларида фаол. У Марғилон шаҳридаги ўзи яшаб турган маҳаллада ўн тўрт йил жамоатчилик асосида фуқаролар йиғини раиси вазифасини бажарди. Шу йиллар давомида маҳалланинг ташландиқ гузари обод қилинди, кўчалар, майдонлар файзли, кўркам тусга кирди.

Шунингдек, Аъзам ака ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши тафтиш комиссияси раиси сифатида партия ички интизомини мустаҳкамлаш, молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш бўйича ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда.

— Партиямизнинг янги Дастурида меҳнат аҳли ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари манфаатларини муҳофаза қилиш белгиланганлиги халқ орасида бизга бўлган ишончни кучайтиради, — дейди у. — Эндиги вазифамиз ана шу мақсадларни амалга ошириш, шунда халқ ортимиздан эргашади. Бунинг учун биринчи галда ўзимиз ҳалол, иймон-инсофли, халқнинг ташвиш ва дардини ўзимизнинг дардимиз деб билишимиз, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш учун чинакам курашчи бўлишимиз керак.

У бошланғич партия ташкилотлари йиғинлари, пленумлар, фаоллар йиғилишларида партия аъзоларига ҳамиша шу фикрларни уқтириб келади.

— Нафақага чиқиш арафасидаман, — дейди Аъзам Аҳмадалиев, — бироқ, биласизки партия аъзолигидан нафақага чиқилмайди. Нафақадан сўнг ҳам партиямизнинг сўллик позициясини меҳнат аҳли вакили сифатида доимо ҳимоя қилиш ниятидаман.

Унинг кўпчилик тан берган фазилатларидан бири тўғрисўзлик бўлса, иккинчиси одамлардан яхшиликни аямаслик. Бундай одамлар доимо эл-юрт ҳурматида бўлади.

— Аъзам Аҳмадалиев ўзбек суғуртачилик мактабининг олтин фондига кирган, орамиздаги энг тажрибали ходимларимиздан бири. Соҳамизда шундай одамлар бор экан, ишимиз ривож топаверади! — деган эди Ўзбекистон Молия вазирлиги суғурта назорати қўмитаси раҳбарларидан бири. Фарғона вилояти суғуртачилари сардори фаолиятини жиндаккина ўрганиб, ўша одамнинг баҳосига тан бердик. Ҳа, айтганича бор экан!

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

Қашқадарё вилоятидаги
«ШАҲРИСАБЗ КОНСЕРВА»
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси
энг улуғ, энг азиз байрам
Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги
билан барча юртдошларимизни табриклайди.
Ҳар бир оилага тинчлик, саломатлик ҳамда фаровонлик тилайди.
Ўн тўрт йил мобайнида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.
Республикамиз кун сайин гуллаб-яшнашида, иқтисодиётимиз мустаҳкамланиб боришида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.
Азизлар, байрамингиз қутлуғ бўлсин!



**Ўткирбек Ҳайдаров 1974 йил 25 январда Андижон шаҳрида туғилган. Вазни 81 кг, бўйи 178 см. «Динамо» спорт жамияти аъзоси. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Андижон давлат университетининг мураббийлар тайёрлаш факультетини битирган. 1981 йилдан буён бокс билан шуғулланади. Устозлари: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар Марс Қўчқоров ва Александр Размахов. Ёқтирган боксчиси: Муҳаммад Али. Ҳаваскор боксдаги энг йирик натижалари: Осиё ва жаҳон чемпиони. Афина олимпиадасининг бронза медали соҳиби.**

**Кечаги ва бугунги кун ҳақида Ўткирбек қандай фикрда? Ушбу суҳбатда шу каби саволларга жавоб олинди. У нималарни орзу қилмоқда?**

Ўткирбек ҲАЙДАРОВ:

# «ПЕКИН ОЛИМПИАДАСИДА РИНГГА ЧИҚИШ НИЯТИМ БОР»




**— Ўткирбек, Афина олимпиадасида боксчиларимиз имконият даражасида натижа кўрсатишмагани ҳақида ҳанузгача гапиришади...**

— Фикрингиз тўғри. Лекин бунинг бизга боғлиқ бўлган ва бўлмаган томонлари ҳам бор. Афина олимпиадасига тайёргарлик яхши бўлганди. Бироқ ҳакамларнинг нохолислиги туфайли мақсадимизга ета олмадик.

**— Сидней олимпиадаси олдидан жамоа Украина, Россия, Франция ҳамда Америка давлатларида йиғин ташкил этганди. Афинага эса тайёргарлик ўзимизда бўлди. Эҳтимол асосий сабаб шундадир.**

— Биласизми, Сидней олимпиадасига зўр тайёргарлик кўргандик. Масъулият, доимий машғулотлар, кучли ҳаяжон ва зўриқиш шунчалик эдики, олимпиададан кейин оддий машқ тугул, бокс залига киргим ҳам келмай қолганди. Ўшанда биз билан тажрибали мураббийлар Марс Қўчқоров, Михаил Романчуклар ҳам ишлаганди. Руслан Чагаев, Сергей Михайлов каби номдор оғир вазнли боксчилар бор эдики, биз бир-биримиз билан жуфтликда ишлай олардик. Бу билан Афина олимпиадасига яхши тайёргарлик кўрмагандим, демоқчи эмасман. Йўқ, кўнгилдагидек бўлган. Ўша пайтда мен учун биринчи муаммо қайси вазнда тушишим масаласини ҳал қилиш эди. 75 кг.да боксчи бўлиб танилдим, шу вазнда фаолиятимни якунлайман, деб ният қилгандим. Аммо XXVIII ёзги олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи Филиппиндаги Осиё чемпионатида иқлимга мослаша олмадим, қон босимим тушиб кетди. Шундай ҳолда рингга чиқиб, ютқаздим. Хитойдаги турнирга эса менинг вазнимда Шерзод Абдураҳмоновни олиб боришди. У ўзига билдирилган ишончни оқлади. Мен эса 81 кг.да яна бир карра имконият беришларини сўрадим. Негаки, олимпиадани 4 йил кутдим. 2001 йил Бельфастдаги жаҳон чемпионатида финалчи бўлганимдан сўнг профессионал боксга таклиф этишди, бироқ бормадим. Покистонда ўтган сўнгги саралаш мусобақасида айримлар ўйлаганчалик «қариб қолмаганим»ни амалда исботладим. Шу ўринда дўстларимга миннатдорчилик билдиришим керак. Карачида рингга чиқишдан олдин ўшаларни ўйладим. Мураббий Алишер Абдуллаев ва Бахтиёр Мингбоевларга минг раҳмат. Ота-дек бўлиб қолган қадрдон устозим Марс Қўчқоровга ҳам раҳмат айтаман. У Тайбэйдан Карачига кела олмагани боис, ҳамкасблари орқали мактуб юборганди. Унда «Ўткир, мен сенга ишонаман. Сен нимага қодирлигингни кимга исботлашинг кераклигини биласан», деб ёзилганди. Худога шукур, Покистонда ҳам, шунингдек, Афина олимпиадасида ҳам имкон қадар зиммамдаги масъулиятни уддаладим.

**— Олимпиадада кўнгилдагидек натижа кўрсатсам, яхшироқ шартнома тузиб, профессионал боксга ўтаман, дегандингиз.**

— Очиғини айтсам, профессионал боксда рингга чиқаётган ҳамкасбларим билан гаплашиб, кузатиб, асабийликларни, бир неча ойлаб уйдан олисда юриш каби азобларни кўриб ўйланиб қолдим. Баъзан эса бўлаётган таклифларга қизиқиб, профессионал боксга ўтгим ҳам келади. Бироқ кўпроқ 2008 йил Пекин олимпиадасида қатнашсам деган ниятим бор.

**— Эшитишимга қараганда, сиз Афина олимпиадасидан сўнг «Энди боксни тушундим», деган экансиз?**

— Боксда йиллар ўтган сайин тажриба ошиб, қаерда, қандай «ишлашни» тушунар экансиз. Илгари чигилёзди машққа ҳам бутун вужудимни берардим. Ёки мусобақада катта ҳисобда ютаётганимни билсам ҳам янада ҳужумга зўр берардим. Ваҳоланки, яна олдинда жанг борлиги, бирор зарбаси ўтиб кетибми ёки кутилмаганда жароҳат олишим мумкинлигини ўйламасдим. Хуллас, эндиликда кучгагина эмас, балки кўпроқ ақлга таяниб ишлаяпман.

**— Очиқ тан олишимиз керак, илгари Куба ҳаваскор боксчиларига ҳеч ким тенглашолмайди, деб ўйлар эдик. Етса булар экан-ку. Буни Москвада ўтган жаҳон кубоги мусобақасида Россия терма жамоаси исботлаб берди. Бизнинг вакилларимизга нима етишмаяпти? Ҳали ҳам Куба, Россия боксчиларига аксарият ҳолларда имкониятни бой берамиз...**

— Мен ҳали ҳам спортчиман. Мураббийларда айб, десам нотўғри бўлар. Ҳар қалай устозларга ақл ўргатиш яхши эмас. Лекин айтишим мумкинки, ҳозирда Хитойда фаолият олиб бораётган устозим Марс Қўчқоров каби мутахассислар айни пайтда бизга жуда керак. Бу гапни у киши устозим бўлгани учун айтмаяпман. Марс акани нафақат дўстлари, керак бўлса бошқалар ҳам тан олишади. Устозим қандай пайтда нима қилишни, нима дейишни яхши билади. Битта олимпиада, иккита жаҳон чемпиони ва бир неча номдор боксчиларни етиштириб чиқаргани унинг қандай мураббийлигини исботлаб турибди. Қолаверса, Афина олимпиадасига тайёргарликда ҳам у киши имкон қадар менга ёрдам берди.

**— Боксдан бошқа яна қандай орзуларингиз бор?**

— Битта катта ниятим бор. Пойтуғдаги ака-ука Мирзаали Мамажоновларнинг спорт мажмуи каби ҳамма ҳавас қиладиган спорт зали қуриш.

**— Ўткирбек, энг улуғ байрамимиз — Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан дилингизда айтадиган қандай гапларингиз бор?**

— Кўплаб давлатларда бўлиб, кўрдимки, бизнинг халқ каби меҳнаткаш ва оқибатли халқ кам экан. Мен шундай элнинг фарзанди эканимдан фахрланаман. Халқимизга аввало омонлик, тинчлик, бахт тилайман. Юртимиз обрўсини янада ошириш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан.

**— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Улуғбек ҲАКИМЖОНОВ суҳбатлашди.**

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**2006 йилда Жиззах вилоятида янги қуриладиган, капитал қайта таъмирланадиган ва капитал таъмирланадиган мактаблар:**

| № | Объект номи | Бошланғич қурилиш қиймати (млн. сўм) |
|---|---|---|
| **Янги қурилиш ЛОТ 5:** | | |
| **ЛОТ 5** | Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Гулистон» хўжалигидаги 216 ўринли 34-сонли мактаб | **578,078** |
| **Капитал қайта таъмирлаш ЛОТ 6:** | | |
| **ЛОТ 6-1** | Ғаллаорол тумани, Турк қишлоғидаги 290 ўринли 37-сонли мактаб | **295,467** |
| **ЛОТ 6-2** | Ғаллаорол тумани, Булоқбоши қишлоғидаги 220 ўринли 84-сонли мактаб | **204,788** |
| **ЛОТ 6-3** | Ғаллаорол тумани, Қайрағочли қишлоғидаги 100 ўринли 72-сонли мактаб | **151,461** |
| **ЛОТ 6-4** | Ғаллаорол тумани, Суғумбой қишлоғидаги 260 ўринли 43-сонли мактаб | **264,786** |
| **ЛОТ 6-5** | Ғаллаорол тумани, Болғали қишлоғидаги 400 ўринли 20-сонли мактаб | **311,826** |
| **ЛОТ 6-6** | Бахмал тумани, Музбулоқ қишлоғидаги 290 ўринли 21-сонли мактаб | **295,467** |
| **Капитал таъмирлаш ЛОТ 7:** | | |
| **ЛОТ 7-1** | Арнасой тумани, Арнасой туман марказидаги 856 ўринли 8-сонли мактаб | **154,267** |
| **ЛОТ 7-2** | Жиззах тумани, Ҳ.Олимжон АХМдаги 950 ўринли 12-сонли мактаб | **194,698** |
| **ЛОТ 7-3** | Пахтакор тумани, А.Темур номли хўжаликдаги 776 ўринли 5-сонли мактаб | **141,732** |
| **ЛОТ 7-4** | Мирзачўл тумани, «Туркистон» хўжалигидаги 400 ўринли 19-сонли мактаб | **114,555** |

***Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 1.08.2006 йил.***

***Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефон: (8372) 222-31-59, 22-30-11.***

*Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.*

*Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:*

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.**

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*





# «ОҲАНГАРОНШИФЕР»

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ



халқаро майдонда нуфузи тобора ортиб бораётган серқуёш Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрам —

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ

билан самимий муборакбод этади.



*Шу саховатли заминдаги ҳар бир оила ва хонадонга тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, меҳру-муҳаббат, фаровонлик тилайди.*

*14 йилдан буён истиқлол нафаси уфуриб турган юртимизда истиқомат қилаётган халқимиз мустақиллик нақадар олий неъмат эканлигини англаб етди. Уни асраб-авайлаш, қадрлаш, ҳимоя қилиш зарурлигини қалбдан ҳис эта бошлади. Истиқлол йилларида корхонамиз ҳам ҳар жиҳатдан юксалди, бинокорлик материаллари, айниқса, шифер ишлаб чиқариш саноатининг йирик, етакчи корхоналаридан бирига айланди. Айни дамларда, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саккиз тўлқинли шифер, ясси шифер, асбоцемент қувурлар, керамикали черепица ва бошқа қатор қурилиш материалларининг асосий қисми «Оҳангароншифер» акциядорлик жамияти ҳиссасига тўғри келаётганлигини таъкидлаш бизга чуқур мамнуният бахш этади.*



*Агар корхонада 1990 йилда 6-7 миллион дона шифер ишлаб чиқарилган бўлса, мустақиллигимизнинг илк йилида бу миқдор 8-10 миллион донани ташкил этди. Эндиликда биз тайёрлаётган бинокорлик материаллари «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқ билан Қозоғистон, Туркманистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон ва бошқа қатор давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Ўтган 2004 йилда корхонада 8 миллион 768 минг дона шифер, 97 километр узунликдаги асбоцемент қувурлар ва бошқа турдаги 21 миллиард 464 миллион 700 минг сўмликдан зиёд бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилди. Жорий йил охиригача эса бу миқдор 22 миллиард сўмдан ошиши кутилмоқда.*



Мустақиллик байрами арафасида корхонамизда янги маҳсулот — рангли шиферлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари, янги компрессор мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Жамиятимиздаги бундай янгиланишларнинг барчасига Истиқлол шарофати туфайли эришилмоқда. Юксак самарадорлик ва муваффақиятга эришиш учун етарли куч ва имкониятга эгамиз. Бундан буён ҳам жамиятимизда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштира бориб, халқимизнинг қурилиш эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга ҳаракат қилаверамиз.

Шу қутлуғ кунларда барча ватандошларимизни Мустақиллик байрами билан муборакбод этарканмиз, юртимизнинг ҳар бир гўшасида тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлишини тилаймиз.

## ХОНАДОНЛАРИНГИЗДАН ФАЙЗ, ҚУТ-БАРАКА ВА ТЎКИНЛИК АРИМАСИН!

**«Оҳангароншифер» акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси**



**Биз билган ва билмаган тарих**

# БОБУРНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

Ушбу ҳаракат ўша даврда нечоғлик муҳим ўрин тутганлиги, ҳар бир таъзим у қаратилган шахснинг обрў-эътибори, мавқеини кўрсатганлигини исботловчи яна бир мисол келтирамиз.

Темурийлар салтанатида муҳим дипломатик вазифани ўтаган бу масалага Бобур юксак сиёсий тус берган, дипломатиянинг нозик атрибутига айлантирган, қўл остидагилардан таъзимни аниқ бажаришни қаттиқ талаб қилган, ўзгаларнинг юкунишни, таъзимидан ўзига ҳамдам, ёки рақиблигини билиб олган. Масалан, «тўққуз қатла юкуниб», «қўпиб кўришдилар», «ёнғонда ҳам», «ғалаба қучишиб», «қалин юкунди» ва бошқалар. *«Кўришур ерга етишиб, тўққуз қатла юкуниб келиб кўришти. Улуғ хон ҳам кичик хон яқин еткач, қўпуб кўруштилар, ғалаба қучишиб турдилар. Ёнғонда ҳам кичик хон тўққуз қатла юкунди. Тортиқ тортғонда ҳам қалин юкунди. Андин сўнг келиб ўлтурдилар.»*

Заҳириддин Бобурнинг давлатчилик дипломатияси кўп жиҳатдан унинг Шайбонийхонга бўлган муносабати билан боғлиқ. Айниқса, Шайбонийхон томонидан Хуросон ўлкаси, пойтахт Ҳирот босиб олиниб, темурийлар хонадони аҳлига ҳисобсиз заҳматлар етказилгандан кейин темурийзодалар орасида жуда кўп машваратлар ўтказилган. Шу таҳликали даврда Бобурнинг вужудга келган сиёсий ҳолатни таҳлил этиши, аниқ хулоса ясаш ва Амир Темур салтанатини қандай бўлмасин асраб қолиш кайфиятида бўлиши билан боғлиқ музокараларга қатнашиши диққатга сазовордир.

«Бобурнома»даги бир матнда Ҳиротни қўлдан берган темурийзодаларнинг жуда кўп музокаралар олиб борганликлари, Шайбонийхондек айёр душманнинг Хуросон элидан ташқари бошқа вилоятларга ҳам ҳамла қилаётгани, қайси вилоятни ҳимоя қилишу қайсисини ташлаб чиқиш, қайсисида мудофаа иншоотларини қуриш, аҳли аёлларни қаерга кўчириш ва бошқа кўплаб масалалар муҳокама қилинган.

Кечагина бир-бирларига қарши лашкар тортиб, урушиб келган темурий шаҳзода ва беклар бугун ягона рақиб Шайбонийхонга қарши бирлашишга интилганлар. Аммо улар ташкил этган учрашувлар ўзаро қарашларнинг бир тўхтамга келишига имкон бермаган. Ана шу масалани таҳлил этган Бобурнинг дипломатик нуқтаи назари кейинги воқеаларни инобатга олсак, тўғри бўлиб чиқади. Мазкур парчада ўша даврда музокаралар олиб бориш тартиби, барча бекларнинг биргаликдаги фикр алмашинуви бугун биз тасаввур этадиган дипломатик муносабатлар, музокараларнинг ўта ривож олганлигидан далолат беради:

*«Бу айёмда Шоҳбек ва иниси Муҳаммад Муҳим Шайбоқхоннинг таваққумидин* ***мукаррар элчилар ва арзадоштлар йибориб, изҳори якжиҳатлиқ ва давлатхоҳлиқлар қилдилар. Муҳим худ бир арзадоштида мени тилаб эди.*** *Ўзбак вилоятни билкуллий олғон маҳалда бизнинг боқиб турмоғимиз муносиб кўринмади,* ***чун мунча элчилар ва арзадоштлар йибориб бизни тиладилар,*** *аларнинг келиб мулозамат қилмоқларида тараддуд камроқ эди.* ***Бори беклар ва соҳибраъй кишилар била машварат қилиб, сўзни мунга қўйилдуким,*** *черик отланилғай, бу арғун беклари қотилғондин сўнг Хуросон устига юримакни ё ҳар маслаҳат бўлса, буларнинг салоҳ ва савобдиди била қарор берилгай».*

Темурий шаҳзодаларнинг Ҳиротдаги музокаралари ўз натижасини бермайди. Бундан умидсиз қолган Бобур Кобулга равона бўлади, бошқа шаҳзодалар Шайбонийхонга қарши кураша олмай, Хуросон тўлалигича Шайбонийхон ихтиёрига ўтади. 1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил билан уруш олиб борган Шайбонийхон жангда шикастланиб ҳалок бўлади ва салтанати инқирозга юз тутади.

*(Давоми бор.)*

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

*(Давоми. Боши ўтган сонларда.)*

---

**Мўйқалам соҳиблари**



**Ортиқали ҚОЗОҚОВ 1960 йилда Наманган вилояти, Поп тумани Санг қишлоғида туғилган. 1985 йилда Тошкент давлат санъат институтини тамомлаган. 1992 йилдан Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси. Асарлари 25 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг музей ва шахсий коллекцияларда сақланади. 1996 йилда Бангладешдаги халқаро кўргазмада махсус мукофот билан, 1997 йилда эса Бадиий академиянинг Олтин медали билан тақдирланган. 1998 йилда мусаввирга «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвони берилган.**

# РАНГЛАР ФАЛСАФАСИ

### ҲАЙРАТЛАР ОЛАМИ

Замонамизнинг етук рассомларидан бири Ортиқали Қозоқов ижоди билан анчадан бери танишман. «Бизнинг ҳовли», «Бахт карвони», «Кўҳна наво» каби суратлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирган.

Рассомнинг машҳур асарлари тафаккур тимсоллари, хаёл ранглари, ҳайрат олами, бедор қалб туғёнлари, қалб қўнғироғининг маҳзун овози, олис қишлоқларда қолиб кетган болалик, муҳаббат манзаралари, табиат чизгилари... Улар олдида бир зумгина сукутда ўтирар эканман, мўйқалам сеҳри-жозибаси билан юзма-юз келдим. Тўғриси рассом ижодхонасида биринчи маротаба бўлишим эди. Шу сабабданми ўзимни ўзга оламда ҳис этдим. Суратларни томоша қила туриб, севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг мусаввир ҳақидаги сўзлари ёдимга тушди:

**«У ўз услубига, ранглар дунёсига эга. Мусаввир кашф этган ҳар бир рангда маълум бир фалсафий мазмун ифодаланади. Унинг ижоди мустақиллик йилларида янада юксак поғонага кўтарилди. Асрий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, адабиётимиздаги бадиий тимсоллар, миллий қадриятларимиз турфа ранглар орқали тасвирланади... »**

### ИЖОД ОЗОДЛИГИ

— Биласизми суратлар қалб амри билан туғилади, — дейди мусаввир. — Кўнгилга кўрсатма бериб бўлмайди. Рангларни эса юрак танлайди. Ҳақиқий асар қайси жанрда бўлмасин ижод озодлиги маҳсулидир. Мана шу маънода мен мустақилликни ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмаслигини, бу олий неъмат фақат идрок этилишини англаб етиш, ўзликни таниш демакдир...

Ортиқали Қозоқов ижоди асосан истиқлол йилларида янги-янги қирралар билан бойиди. Ўзбек рассоми худди шу даврда кўплаб халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, жаҳонга танилди.

— Ўтган асрнинг 80-йилларида авангард усулида асарлар яратилмасди, — дейди Ортиқали Қозоқов. — Мабодо, бу усулда ижод қилсак, у социализм ва реализмга ёт бўлган капиталистик иллат, дея баҳоланар эди...

Ижодкорга эркинлик берилсагина янгилик ярата олади. Мустақиллик ижод аҳлига мана шу туйғуни берди. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиёти ва санъатида, маънавият ва маданиятида жаҳоний ўзгаришлар рўй берди. Бугун дунёдаги санъат ихлосмандлари ўзбек тасвирий санъатига юксак баҳо беришмоқда.

Мустақиллик менга ижодкор сифатида ўзимнинг ҳақиқий қиёфамни, қалбимни очишим учун кўпгина имконият ва шароитларни яратиб берди. Рассом ижодининг рағбатлантирилиши унинг қалбидаги билмаган оҳангларни уйғотади. 1998 йилда Президентимизнинг Фармони билан «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Бу юксак ишонч, эътибор юртим учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишим кераклигини англатди.

Ортиқали Қозоқов кейинги ўн тўрт йил давомида «Истиқлол», «Бахт карвони», «Наврўз», «Шарқ келинчаги» (Франциянинг собиқ президенти Франсуа Миттераннинг рафиқаси Даниэл Миттеран хоним галереясида сақланади), «Ипак йўли афсоналари», «Абдулҳамид Чўлпон», «Соҳибқирон руҳи», «Камолиддин Беҳзод», «Байрамона натюрморт», «Имом ал Бухорий мажмуаси», «Янги кун», «Кўҳна наво», «Шарқ гўзали», «Байрам олдидан», «Юртим баҳори» (бу суратларнинг барчаси матога, мойбўёқда ишланган) каби энг сара асараларини яратди. Бу картиналарни томоша қилар экансиз, Ортиқали Қозоқовнинг ҳеч кимга ўхшамаган яна бир муҳим томонини, яъни унинг мусаввир файласуфлигини кашф қиласиз. Унинг бу асарлари ҳар қандай томошабинни сеҳрлаб қўяди. Улар қаршисида туриб, ҳаётингиз давомида дуч келган баъзида эса келишингиз мумкин бўлган ечими йўқ саволларга жавоб топгандай бўласиз.

### КАМЧИҚ ДОВОНИ МАНЗАРАЛАРИ

Рассом ҳар гал Камчиқ довонидан она қишлоғи томон ўтар экан янги асар яратиш нияти унинг бедор қалбида пайдо бўлади. У она табиатнинг бетакрор, инсонни ўзига тортадиган манзарасини кўрдими, унинг акс-садоси янглиғ бу оний лаҳзаларни муҳрлашга уринади.

— Ўтган асрнинг 80-йиллари. Талабалигимда ҳар сафар она қишлоғим Сангга қайтаётганимда, довондан ўтаётиб, тўғриси, шу ерларда тўхтаб, қачон сурат чизарканман, шундай кунлар келармикан, дея орзу қилардим, — дейди рассом. — Ўша йиллари Камчиқ довонининг йўллари жуда тор, машинани тўхтатиб туришнинг имкони йўқ эди. Мана, бугун мустақиллик туфайли бу йўллар кенгайди, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Орзуларим рўёбга чиқди. Тошкент — Наманган йўналишидаги барча гўзал манзараларни, тоғу тошларни, қишлоқларни — ҳамма-ҳаммасини чизганман. Бу суратларимни алоҳида тўплам қилиб, кўргазма қилмоқчиман. Камчиқ довонининг қурилишидан бошлаб, то битгунига қадар бўлган ишларни асарларимда кўрсатиб беришга ҳаракат қилаяпман.

Бу суратларнинг туркумига «Камчиқ довонида», «Оқшом», «Қўқон — Ангрен тоғ йўли», «Ангрен кўли», «Довонда куз», «Ёз келмоқда», «Тангатопди қишлоғи», «Янги йўлларда», «Ўлкам баҳори», «Ипак йўллари бўйлаб», «Эрта кўклам», «Камчиқ довонида қиш», «Кеч куз», «Болғали қишлоғи», «Водийга йўл» кабиларни киритиш мумкин. Мазкур асарларда довоннинг тўрт фаслдаги маҳобатию чиройи, чўққилар бошидаги оппоқ қор, ўйноқи сойлар, боқий арчалар, тоғ қишлоғи манзаралари акс эттирилади.

Ортиқали Қозоқовнинг ижодхонасидан қайтар эканман, руҳимда ажиб бир енгиллик сездим. Хаёлот ранглари ўрнашиб қолган юрагим ҳаяжон билан урар эди... Рассомнинг қалби, асарлари ҳақида кўп гапларни айтгим келарди.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**





**«TOSHSHAHARYO`LOVCHITRANS»**
*aksiyadorlik kompaniyasi jamoasi*

Ўзбекистон халқини азизу мукаррам байрамимиз — юртимиз истиқлолининг 14 йиллиги айёми билан табриклайди.

Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғулари тарк этмаслигини чин дилдан истаб қолади. Бунёдкорона меҳнатимиз юртимизга, ҳар бир хонадонга қут-барака олиб кираверсин. Бу оламда бетакрор она юртимизга асло кўз тегмасин.



Тинчлик-омонлик, осмонимиз мусаффо, йўлимиз бехатар бўлсин!


## БУХОРОДА ҚОВУН САЙЛИ

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида қадим Бухоронинг Самонийлар истироҳат боғида қовун сайли бўлиб ўтади. Вилоят соҳибкорлари ўзлари етиштирган тилими тил ёргучи турли хил қовун-тарвузлари билан шаҳарликлар дастурхонини безашади.

— Дастлаб ўтказилган қовун сайлида бор-йўғи 13 хил қовун нави намойиш этилганди, — дейди Ғиждувон туманидаги Ф.Хўжаев номли ширкат хўжалиги полизчиси, Раҳматжон Болтаев. — Ҳозир эса уларнинг тури тўқсондан ошди. Бирор йил йўққи, уйга совринсиз қайтган бўлсам...

Қовун сайли кўргазмасига қўйилган маҳсулотларнинг ғолибларига берилган қимматбаҳо совғаларни вилоят ҳокими С.Хусенов топширди.

**Даврон БАҲРОНОВ**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик
**Ботурхон ВАЛИХЎЖАЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Лобар Раҳимжоновага отаси
**Ёқубжон РАҲИМЖОНОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлимининг «Ибн Сино» маданият маркази ва «УМИД» ёшлар студияси жамоалари «Умид» студияси — ота-оналар қўмитасининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
**Абдумалик ҳожи ота МАЖИДХЎЖАЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

*Газетанинг навбатдаги сони 28 август, якшанба куни чиқади.*


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Latif G`ULOMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
*Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.*
*Hajmi 4 bosma taboq.*

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 755
*6558 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 01.30
Topshirish vaqti — 03.00
1 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**